КУТУБХОНАСИ

ЎҒЛОНЛАР ОЙ БОРИБ ОМОН ҚАЙТИШДИ 2-бет

ЯХШИ ТАРБИЯ — КАМОЛОТ АСОСИ 3-бет

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР



4-5 бетлар

МАҲАЛЛАДА МУРУВВАТ ТАДБИРИ 8-бет

СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 70 (10.123) / 2004 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетида «Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи» ҳамда «Фуқаролик жараёни» кафедралари ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбатлари «Ёшларни тарбиялашда ҳуқуқий онгнинг роли», «Судья ким ва қандай бўлиши керак?» деб номланди.

● **БАДИИЙ** академиянинг Замонавий санъат марказида Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси ҳамкорлигида «Халқ ҳунармандчилиги фестивали—2004» мавзуида «Янги номлар» рукни остида Римма Газалиеванинг чинисозлик санъати кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ушбу кўргазма 23 апрелгача давом этади.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежида «Огоҳликка даъват» мавзуида уюштирилган тадбирда терроризмга қарши курашда маҳалланинг ўрни масаласи муҳокама қилинди. Унда Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман маҳаллалари оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этишди.

● **БЕКТЕМИР** туман Марказий кутубхонасига йиғилган ёшлар баҳор неъматлари, хусусан сумалакнинг тарихи ва тайёрланиш жараёни ҳақида давра суҳбатида иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорликларида Япония ҳукумати гранти бўйича мусиқий чолғу ва овоз акустик ускуналарини Ўзбекистон Давлат консерваториясига топшириш маросими бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** халқаро Вестминстер университетида «Очиқ эшиклар куни» тадбири уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Республика ёшларининг «Bioekosan» ўқув-услубий мажмуида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази билан ташкил этилган тадбирда давлат, шунингдек, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.*

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

— Мамлакатимизда 1993 йилдаёқ алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида қонун қабул қилинган эди, — деди Ўзбекистон Миллий университети география факультети табиий география ва геоэкология кафедраси мудири, профессор Асқар Ниғматов ЎзА мухбирига. — Ўтган даврда Қонун ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу асосда ўнлаб меъёрий ҳужжат яратилди. «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури» ишлаб чиқилди. Бир қанча халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Юртимиз ҳудудининг икки фоизга яқин қисмини алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этади. Халқаро меъёрларда бу кўрсаткич ўн фоиз этиб белгиланган. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, табиий бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий қонунчилигимизни атроф-муҳитни муҳофазалаш борасидаги халқаро меъёрларга тўла мослаштириш мақсади «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунга муайян ўзгартишлар киритиш эҳтиёжини туғдирмоқда.

Анжуманда янги қонун лойиҳаси юзасидан маърузалар тингланди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк» жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва халқаро андозаларга мос ишлаш усулларига ўтиш мақсадида «Money Gram» халқаро пул ўтказиш тизимига аъзо бўлди.**

● **«Telecom Inc» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Самарқандда ўз бўлимини очди. Бу ерда энг янги телекоммуникация ускуналари ўрнатилиб, улар технологик синовдан муваффақиятли ўтказилди.**

● **Қашқадарё вилояти «Деҳқонобод» ширкат хўжалигининг ҳомийлик ёрдами туфайли Деҳқонобод туманидаги етти мактаб икки миллион сўмлик спорт анжомларига эга бўлди.**

● **Швециянинг PFAFF SINGER концерни Навоий вилоятидаги уч коллеж ўқув устахонасига замонавий тикув машиналари ва тўқув мосламалари мажмуини ўрнатди.**

● **Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида бизнес-инкубатор иш бошлади. Унда юзга яқин қишлоқ ёшлари тадбиркорлик, компьютер саводхонлиги, тикувчилик ва инглиз тили бўйича сабоқ олмоқда.**

● **Ангрендаги 9-шахта despite кончилари сўм-пластик карточкадан фойдалана бошлади. «Ангрен» кўмир ҳавзаси ишчи-хизматчиларидан минг нафарига ҳам ана шундай замонавий ҳисоб-китоб карточкаси очилди.**

● **Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун туманидаги олти мактаб ва 12-меҳрибонлик уйига 44,8 миллион сўмлик янги русумдаги «Пентиум-4» компьютер мажмуалари топширилди.**

### Жаҳонда

● **Американинг космик агентлиги — НАСА «Спирит» ва «Оппортьюнити» Марсда юрувчи кемалари экспедициясини яна 5 ойга узайтиришга розилик берди ва ушбу ишлар учун қўшимча равишда 15 миллион доллар ажратди.**

● **Кузбассдаги 500 метр чуқурликда жойлашган «Тайжина» шахтасида 53 та кончи фаолият кўрсатаётган пайтда метан гази портлади. Натижада 6 киши қутқариб олинди, 40 нафар кончи ҳаётдан кўз юмди. Қутқарув ва бедарак йўқолган еттита кончини қидириш ишлари давом этмоқда.**

● **Хитой ҳукумати аҳолига мурожаат қилиб ОИТС касаллигига чалинган беморлар ўз хасталикларини яширмасликлари кераклигини талаб қилди. Маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакатда ОИТС билан касалланган 800 минг нафар киши бор.**

*Ватан ҳимояси — муқаддас бурч*

## ХИЗМАТНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТАШДИ



***Бутун Республикамиз бўйлаб фусункор баҳорнинг илиқ шабадалари эсаётган кунларда наинки пойтахтимиз, балки бутун Республикамиз ўзгача тантананинг гувоҳи бўлди. Юртимизда илк бор Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда эълон қилинган қарорига мувофиқ ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаб, ота-онаси, ёру биродарлари ёнига ёруғ юз билан қайтаётган аскар йигитларни тантанали кузатиш ва кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Республика Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу маросимга давлат ва жамоат ташкилотлари, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам таклиф этилди.***

Пойтахтимиздаги ҳарбий аэродромда Марказий ва Тошкент ҳарбий округлари ҳарбий қисм ва муассасаларида ўз йигитлик бурчини аълога ўтаган бир гуруҳ резервга бўшатилаётган аскар йигитлар саф тортиб туришар экан кўнгилларни ғурур-у фахрга тўлдириб давлатимиз мадҳияси янгради.



Шундан сўнг Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Маннопжон Аҳмедов қисқача кириш сўзи билан тадбирни очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова эса Ватан ўғлонларини қутлар экан, жумладан шундай деди: «Мамлакатимизнинг асл ўғлонлари! Мардликда тенги йўқ Ватан посбонлари! Қуролли кучларимиз сафларидан ўз уйларига қайтаётган азиз ёшлар. Сиз Ватан сарҳадларини қўриқлаб, ўз йигитлик бурчингизни шараф билан ўтаб, юрт ишончини оқлаб, ота-оналарингиз бағрига қайтмоқдасиз.

Бугун миллатимизнинг ғурури, мудофаамизнинг таянчи бўлган сизларнинг қайноқ хизматларингизни давом эттириш, мамлакатимиз осойишталигини ҳимоя қилиш учун сара ўғлонларимиз ўрнингизни эгаллашмоқда. Биз шунга ишонамизки, улар сизларга муносиб ворислар бўлишади».

Шунингдек, маросимда Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ойниса Мусурмонова, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Садриддин Ҳасанов, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ва бошқалар йигитларни табриклаб, уларнинг бундан кейинги ишларига муваффақиятлар тилашди. Хизмати давомида ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик машқларида юқори натижалар кўрсатган аскарларга қўмондонлик номидан имтиёзли равишда олий ўқув юртларига киришлари учун «Тавсияномалар» топширилди.

Давоми 2-бетда.

*Иқтисодиёт*

## ЧЕВАРЛАР МАҲОРАТЛАРИ МАҲСУЛИ

***Пойтахтимиздаги «Акома» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ўтган йил якунига кўра ўтказилган «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Яккасарой туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлиб, биринчи ўринга муносиб деб топилди.***

Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу муваффақиятга тадбиркорлар имкониятдан ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиб, четдан келтириладиган тайёр трикотаж кийим-кечаклар ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлаётгани боис эришишмоқда. Фарғона ва Бухоро ип йигирув фабрикаларидан келтирилган хом ашё — кичик корхонанинг тўқув цехида тўқилиб, бўяш цехида ранг берилиб, тикув цехи чеварларининг меҳнати билан эса тайёр маҳсулотга айланади.

Аёллар, эркаклар ҳамда болаларнинг устки ва ички трикотаж кийим-кечаклари мавсумга қараб турли моделларда яратилади. Энг асосийси эса ушбу маҳсулотлар бозорни ўрганиш, харидор талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиш асосида тикилади. Шу боисдан бўлса керак ички бозоримизда ушбу бежирим ва чиройли кийим-кечаклар ўз ўрнини топмоқда.

Бугунги кунда «Акома» ёрлиғи билан ишлаб чиқарилаётган сертификатланган турли кийим-кечаклар 150 хилдан ортиб кетди. Бу, албатта тадбиркорларнинг изланишлари, маҳорати, дизайнер-модельерларнинг интилишлари самарасидир. Жорий йилда улар бозорни ўрганиш асосида кийим-кечакларнинг яна 20-30 хилини яратишга аҳд қилишган.

## «ГОЛЛАНД» ПИШЛОҒИ ТАЙЁРЛАНАДИ

***Тадбиркорликка яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ҳамюртларимизнинг изланувчанлиги, ишбилармонлиги нафақат ички бозорларимизни тўлдираётган, балки ташқи бозорда ҳам харидоргирлиги ортиб бораётган маҳсулотларда ўз аксини топмоқда.***

Ана шундай жамоалардан бири «Давр-М» хусусий корхонасида сутни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган 12 турдаги маҳсулотлар пойтахтимиз савдо шохобчаларида ҳам сотилмоқда. Корхонада 30 нафар ишчи-хизматчининг саъй-ҳаракатлари эвазига нафақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, балки уларни талаб ва эҳтиёжга кўра қадоқлашга ҳам эътибор қаратилган. Кичик корхонада ўтган йилда 24 миллион сўмлик пишлоқ, қаймоқ ва бошқа сут маҳсулотлари тайёрланиб, соф фойда ҳажми 2,5 миллион сўмни ташкил этди. Маҳсулотларнинг барчаси сертификатланган.

Тадбиркорлар жорий йилда яна 3 турдаги янги маҳсулот яратишга эришиш ниятида. Улар «Голланд» пишлоғи ишлаб чиқариш йўлида изланишмоқда.

**Шарофат БАХРОМОВА**

# ХИЗМАТНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТАШДИ



Давоми. Боши 1-бетда.

Уйларига қайтаётган аскарлар учун қулайлик яратиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан махсус ҳаво рейси уюштирилди. Фарғона томон парвоз қилган самолёт ўз бағрида бир йил бирга хизмат қилиб, бир оила, дўст-биродар бўлиб қолган, йўл давомида, «телефонлашамиз, хат ёз» каби илиқ каломлар янграган сонияларни ортда қолдириб қирқ дақиқадан сўнг манзилга бориб қўнди. Водийда ҳам аскар йигитларни ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари ўзбекона карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар.

Ўз навбатида Фарғона водийсидаги ҳарбий қисмларда ҳам йигитлик бурчини ўтаб ота-оналари бағрига ошиқаётган аскарларни кузатиш маросими ўтказилди. Энди самолёт юздан ортиқ йигитларни олиб Тошкент томон йўл олди.

Пойтахтимизда кутиб олувчилар жуда кўпчиликни ташкил этган: ота-оналар, ёру биродарлар, қариндош-уруғлар дилларида ҳаяжон, қўлларида анвойи гулдасталар. Кўзлар мовий осмонимизга қадалган. Ниҳоят самолёт белгиланган манзилга келиб қўнди. Юракларидаги шошқин ҳолатни енгиб аскар йигитлар шу ерда ҳам ўзларининг босиқ, сабр-тоқатли эканликларини кўрсатиб шахдам қадамлар билан юриб келиб, бир текис бўлиб саф тортишди.

Кутиб олиш маросимида иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Акромовлар сўзга чиқиб ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаб уйларига, ота-оналари бағрига соғ-омон, ёруғ юз билан қайтаётганлари билан уларни самимий қутладилар, кейинги ҳаётлари ва ишларида катта муваффақиятлар тиладилар.



Ҳаяжонли дийдорлашув онларини кузатар экансиз, беихтиёр ўғлонлардаги ҳаяжон, ҳис-туйғулар, севинчдан чақнаётган кўзлар шодлиги сизга ҳам ўтади. Улар орасига сингиб, дил сўзларини бирма-бир қоғозга тушира бошлайсиз.

**Оддий аскар Шерзодбек МИРХОЛИҚОВ, Фарғона вилоятидан:**

— Бугунги тадбир умрбод ёдимиздан чиқмаса керак. Ҳаяжонимизнинг чеки-чегараси йўқ. Бир йил давомида йигит кишига хос бўлган иродали, сабр-бардошли, ота-она қадрини теран англай оладиган даражада тарбия олдик десам ёлғон бўлмайди. Оилада биттагина ўғилман. Масъулиятни чуқур тушуниб хизмат қилганим боис бўлса керак, «Тавсиянома», ота-онам номига ташаккурнома олдим. Жуда кўп дўстлар орттирдим. Эътибор учун катта раҳмат дейман.

**Оддий аскар Дилшод МАҲМУДОВ, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидан:**

— Буни қарангки, мен ҳам отамнинг эрка, биттагина ўғлиман. Артиллерия қисмида хизмат қилдим. Ўз хоҳишим билан келган эдим, янглишмаган эканман, менимча ҳар бир йигит албатта хизмат қилиши керак. Она-Ватан, ота-она қадрини, йигит бўлиб юрт қорига яраш лозимлиги, ҳаёт фақат ўйин-кулгудан иборат эмаслигини англаб етаркансан. Бугунги тадбир эса бошимизни осмонга етказди, ҳамиша мана шундай иззат-икромга лойиқ бўлиш учун ҳаракат қиламиз.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА, аскар онаси:**

— Ўғлим Умиджонни кутиб олишга чиқдим. Оллоҳга шукр, фарзандим эсон-омон бағримизга қайтиб келди. Бир йил давомида бир неча бор командирларидан ташаккурномалар олдик. Ўғлимнинг яхши хизмат қилганидан жуда хурсандман. Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, мард ва жасур ўғлонларимиз осмонимиз мусаффолигини ҳамиша кўз қорачиғидай қўриқласинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида шундай сатрлар бор: «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар».

Кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари айнан қарор талаблари ижроси йўлида бошлаб берилди, ишонамизки бундай маросимлар энди анъанага айланиб, хизматни тамомлаган йигитларнинг кейинги ҳаёт йўлларига кўтаринкилик бағишлаш йўлида хизмат қилади.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: кузатиш ва кутиб олиш маросимидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

*Излаган имкон топади*

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

***Яккасарой туманида самарали фаолият юритаётган корхоналар орасида «OLIANA RUM» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ўз ўрни бор. Корхона 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 10 турдаги бежирим қадоқланган идишларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.***




— Ёш корхона бўлишимизга қарамай тажрибали, катта жамоалар орасида рақобат қилишимиз учун, — дейди корхона раҳбари Владимир Череватенко, — тинимсиз изланиш, ғайрат-шижоат ҳамда доимий янгиликка интилишимиз бизга мадад бўлмоқда. Ўтган йили 9 нафардан иборат жамоамиз аҳли 25 миллион сўмлик маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб берган бўлса, жорий йилнинг январь-февраль ойларида мижозларга 2 миллион 281 минг сўмлик маҳсулотимизни сотишга муваффақ бўлдик.

Булар — эмульсияли, оқ рангли, фасадларга мўлжалланган бўёқлар, универсал шпатлевка, штепель бўёқ, 8 хилдаги гуашлар, туш ва сиёҳларни ташкил этади. Асосий буюртмачилар эса Республика «Рассом» бирлашмаси, «Бино қур» ва «Шуҳрат Озод» масъулияти чекланган жамиятлари, «Назаров» хусусий корхонаси ва «Бинокорлик хизмат» хусусий фирмалари каби кўплаб корхона ва қурилиш ташкилотларидир.

Жумладан, Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарларидан тадбиркор буюртмачилар корхона маҳсулотларига доимий харидор ҳисобланадилар. Малакали, серғайрат ишчилар барча буюртмалар ўз муддатларида бажарилиши қатъий назоратда бўлишини доимо ёдда сақлайдилар. Корхона цехларига ўрнатилган технологиялар ишчиларнинг ўз қўллари билан йиғилган, шу боисдан ҳам уларни ишлатиш жуда қулай.

Эътиборли томони, корхона ишчи-хизматчиларининг унумли меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган, ишчилар мавсумий махсус иш кийимлари билан таъминланган. Шу билан бирга, жамоа аъзолари учун ҳар куни иссиқ овқат ташкил этилган.

Корхона тадбиркорлари сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланадилар. Масалан, «Навоийазот» корхонасидан юксак сифатли елим, Самарқанд шаҳридан бўр олинади, шунингдек, алиф ҳам ўзимизники. Маҳсулотларни қадоқлаш учун ишлатиладиган ҳар хил сиғимли идишлар ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланмоқда.

Корхона маҳсулотларини намойиш қилиш, янги ҳамкорлар топиш мақсадларида туман ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этиладиган кўрик-танлов, ярмаркаларда 2001 йилдан буён фаол қатнашиб келмоқда ҳамда кўплаб шартномалар тузишга эришди.



«Излаган имкон топади» деганларидек, корхона тадбиркорлари ҳам янги-янги маҳсулотлар яратиш йўлида тинмай изланиб, поллар учун эмаль бўёқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш арафасида туришибди. Эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган жамоа аҳли жорий йилда янги ускуналар ўрнатиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш жойлари ташкил қилишни ҳам режалаган.

Замон талаблари даражасида фаолият юритаётган корхона жамоаси ишлаб чиқараётган сифатли, чиройли қадоқланган рақобатбардош маҳсулотлар ички бозоримиздан муқим ўрин эгаллашига шубҳа йўқ.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «OLIANA RUM» масъулияти чекланган жамияти директори Владимир Череватенко корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар билан; малакали ишчи Андрей Булатов ўз ишидан мамнун.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Санъат*

## РАССОМГА ЭҲТИРОМ БЕЛГИСИ

***Ўзбекистонлик мўйқалам усталари ижод намуналари халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми, республика Бадиий академиясининг академиги Жавлон Умарбеков картиналари ҳам бутун дунё бўйлаб оммалашмоқда.***

Россия, АҚШ, Франция, Англия каби мамлакатлар бадиий галереяларида ҳам рассом картиналарини кўришимиз мумкин.

Москвадаги рассомларнинг Марказий уйида эса мўйқалам устасининг янги кўргазмасини очиш тараддуди кўрилмоқда. Бу экспозициядан Ж.Умарбековнинг 20 га яқин асари ўрин олади. Иқтидорли мусаввирнинг Наврўз байрамига бағишлаб янги чизган «Болалик тушлари» туркумидан ўрин олган картиналари билан ҳам россиялик томошабинлар яқиндан танишиш имконига эга бўладилар.

## АЭРОКЛУБГА БАҒИШЛАНГАН КАРТИНАЛАР

***Республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган Тошкент аэроклуби фазогир бўлиш орзусида юрган умидли ёшларнинг севимли даргоҳига айланиб қолди. Бу ерда ташкил этилаётган тажрибали учувчилар, парашютдан сакровчи моҳир спортчилар билан учрашувлар ёшларда яхши таассурот қолдирмоқда.***

Аэроклуб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, истеъдодли рассом Ғайрат Бойматовга ҳам қадрлидир. Болажак мўйқалам соҳиби ёшлигида клубга тез-тез келиб турар, бобосидан парашютдан сакраш маҳоратини ўрганар эди. У шу спорт тури билан ҳам шуғулланган.

Беғубор болалик хотироти уни янги картиналар яратишга илҳомлантирди. Бу ижод намуналаридан дастлабкилари полотноларда ўз тасвирини топди ҳам.

Мазкур туркум асарлар асосида алоҳида кўргазма ташкил этилади.

## МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

***Ўзбек диёри манзаралари кўплаб ижодкорларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Таниқли фото устаси Владимир Ковреин олган фотосуратларда ҳам ўлкамизнинг кўплаб гўзал гўшалари санъаткорона акс этган.***

«Новости» матбуот агентлиги Ўзбекистон бўлимининг етакчи фотомухбири сифатида фаолият кўрсатган йилларда олинган фотосуратлар чет эл матбуотида ҳам кўплаб ёритилди.

Қадимий ва гўзал Самарқанд манзаралари ҳам мангу лаҳзаларга айланиб қолди. Моҳир фотограф ана шу ижод намуналарини жамлаб, алоҳида кўчма кўргазма ташкил этди. «Самарқанд. Буюк Ипак Йўли» деб номланган экспозиция дастлаб Тошкентда намойиш қилинади. Сўнгра республикамиз бўйлаб кўрсатилади.

**Акбар АЛИЕВ**

# УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Маънавият деганда кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчаларининг мажмуи тушунилади. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшишга, ақл-идрок ва заковати, дунёқарашини кенгайтириб, мустаҳкамлашга хизмат қилади.***

Инсоният тарихий тажрибасининг кўрсатишича, бирон-бир жамият маданий-маънавий, маърифий имкониятларини, одамлар онги ва қалбида маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур этолмайди. Юксак маданият, маънавият ва маърифат ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Маданий-маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат буюк, порлоқ истиқболга эга бўла олмайди. Маданий қашшоқлик, маънавий инқироз, инсоннинг интеллектуал ноетуклиги барча даврларда ҳам жамият тараққиёти учун ниҳоятда ҳалокатли бўлган. Маданий-маърифий тараққиёт ва маърифий юксалиш бутун инсоният ҳаётида катта ўрин тутган ва устуворлик қилгандек, мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли учун ҳам муҳим ҳаётий заруриятдир. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланиши, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тўрт асосий негизга — умуминсоний қадриятларга содиқликка, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантиришга, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишига ҳамда ватанпарварликка асосланади.

Илғор миллат ривожланган давлатга айланишининг зарурий шартларидан бири — бой маънавиятга эга бўлишидадир. Шу сабабдан Президентимиз: «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди», деб таъкидлайдилар. Дунёдаги ҳар бир давлат ўз миқёсидан қатъи назар ўзининг тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж сезган ва сезади. Тарихий шахслар, буюк алломалар ўзлари яшаган даврлардаги жамият тараққиётини тезлаштириш учун маданий-маънавий омилларга алоҳида эътибор берганлар, кишиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳалоллик, виждонлилик, меҳр-мурувват руҳида тарбиялашга, уларда миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилганлар.

Билимли, маданиятли, маърифатли миллатгина катта тарихий вазифаларни ҳал этишга, мустақилликни таъминлашга қодир бўла олиши мумкинлигини, маърифат жамиятни ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч эканлигини Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдурауф Фитрат, Тавалло, Сўфизода, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний ва халқимизнинг бошқа бир қатор асл фарзандлари чуқур англаб етганлар.

Мустақиллик йилларида нафақат сиёсий тизимнинг янгиланиш, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш борасида, балки одамларнинг тафаккурини, дунёқарашини, маданиятини ва маънавиятини ўзгартириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришганлигимиз Юртбошимизнинг асарлари ва маърузаларида теран таҳлил қилиб берилган.

Нисбатан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ошиб бормоқда. Кишиларимиз онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ — бу аҳолининг фаоллиги ошаётгани, одамларнинг қалбида миллий ғурурнинг ўсиб, камол топиб бораётганлигидир.

Бозор муносабатларига ўтиш одамларда иймон-эътиқод, виждон, ҳалоллик, бировнинг ҳақини ейишдан қўрқиш, меҳр-мурувватли бўлиш каби фазилатларга эга бўлишни тақозо этади. Агар маънавияти юксак бўлмаса одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилади.

Маънавият инсонда фавқулодда ўз-ўзидан шаклланмайди, ривожланмайди. Маънавият инсоннинг туғма хусусияти ҳам эмас. Уни тақдирнинг инсонга эҳсони деб ҳам бўлмайди. Маънавият инсонга ота-она тарбияси, аждодлар насиҳати, маҳалла, ишхонадаги муҳит билан синга боради. Ҳалоллик, андишалилик, шарму ҳаё, ота-онани, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, туғилган ери, Ватанни севиш ҳақидаги энг муҳим ахлоқ-одоб қоидалари ва маънавият асослари ёш гўдакларнинг мурғак қалбига илк бор оилада сингдирилади.

Оиладаги яхши тарбияни инсоннинг келажаги, жамиятнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва камолотининг асосий негизи десак адашмаган бўламиз. «Куш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтилмаган-ку. Оилада болаларга ўргатилиши керак бўлган таълим-тарбия, одоб-ахлоқнинг адоғига етиб бўлмайди, улар бениҳоят кўп, чексиз чегарасиздир. Ўшалар ичида энг муҳимлари, асосийлари борки, улардан баъзиларини эслатиб ўтишга тўғри келади. Бунга бир донишманднинг ўз фарзандларига қилган қуйидаги насиҳатлари мисол бўлади:

1. Яхши ватанпарвар бўлиш, ҳаётда муваффақият қозониш, жисмонан ва руҳан мукаммал бўлиш учун меҳнатни севиш одами бўл.
2. Ялқовликдан узоқлаш, ғайратли бўл, вужудингни ҳаракатга бағишла, тинма, тириш, олға бос!
3. Эҳтиёт бўл, ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.
4. Сенга жамият томонидан топширилган вазифани бекаму кўст адо қил.
5. Шарафинг, номусинг ва ҳаётингни қўриқла, бошқаларнинг ҳам номус ва шарафларига ҳурмат билан риоя қил.
6. Ҳақиқатни сев, юриш-туришингда содда табиий йўлни тут.
7. Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақшунос бўл.
8. Мулойим, лутфкор, марҳаматли ва дўстпарвар бўл.
9. Мутаассиб бўлма, ҳур фикрли бўл.
10. Мутолаа ва текшириш билан ақлингни, зеҳнингни, фаҳм ва идрокингни тарбият қил, ўстир.
11. Қаноатли ҳам меҳрибон ва ғамхўр бўл.
12. Ҳурматга сазовор бўлган кишилар ва нарсаларга эҳтиром қилишни унутма.
13. Мардлик, жасорат ва шижоатни ўзингга шиор қилиб ол.
14. Шараф ва номусингга доғ туширишга эҳтимоли бўлган ҳар турли завқ, шафоатдан кеч.
15. Гўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиётнинг олижаноблиги билан вужудингга сиҳат ва латофат бағишла.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг маънавияти, маърифати, юксак одоб-ахлоқи ва маданиятининг қудратли қатламлари очилди, гўзал миллий анъаналар тикланди. Халқимизнинг миллий руҳи уйғонди, уйғонмоқда. Одамлар онгида миллий ғурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

**Самин РАҲИМОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**
**Акром АКМАЛОВ,**
**педагогика фанлари номзоди, доцент.**




**Йўловчилар узоғини яқин қиладиган шаҳримиз транспортларида саҳарлаб иш бошлаган ҳайдовчиларимиз билан ҳар доим бирдек меҳнат қилувчи чиптачиларимизнинг ишлари ҳам эътиборга лойиқ.**

**СУРАТДА: 85-йўналишдаги автобус чиптачиси Зулфия Аникева йўлга чиқиш олдидан.**

*Кичик Ҳалқа йўли*

# ЯНА БИР КЎПРИК ҚАД РОСТЛАЙДИ

***Барчамизга маълумки, пойтахтимизда бунёд этилаётган кичик Ҳалқа йўли қурилиши босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида унинг маълум қисми фойдаланишга топширилди.***

Айниқса, ушбу йўлни бир-бирига боғловчи мустаҳкам ва замонавий кўприклар қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кичик Ҳалқа йўли доирасига кирувчи Эргашев ҳамда Асомов кўчаларини боғловчи кўприк қурилиши ишларини «Осиёкўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприк қурилиш отряди бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Бундай ишларда юқори малака орттирган бунёдкорлар ҳозирда кўприк қурилиши учун тайёргарлик ишларини қизғин олиб боришмоқда.

Айни кунларда ушбу қурилиш майдонида 150 нафардан зиёд турли касб эгалари — экскаваторчи, кран машинисти, тикловчи, қазувчи, бетончи, пайвандчи, дурадгор ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда. Эни 32 метр, узунлиги эса 276,5 метрни ташкил этадиган кўприк транспорт воситалари қатнови учун алоҳида қулайлик яратади. Уни қуришда сифатли ва мустаҳкам маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Кўприксозларнинг меҳнати самараси эса Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида ўз натижасини беради. Чунки улар кўприкни байрамга туҳфа қилиш ниятида тер тўкишмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

№ 70 (13.04.2004) Тошкент оқшоми 5

ХОТИРА УЙҒОНСА ТЎЗАЛДИР

# “ОҚШОМ”ДА КЕЧГАН ОҚШОМЛАР

## (Муҳаммад Юсуф ҳақида хотиралар)

***Ўзининг бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, элдошларимиз қалбида она Ўзбекистон билан фахрланиш ва фидойилик туйғуларини уйғотишга, адабиётимиз, маънавиятимиз ривожига муносиб улуш қўшган дилкаш шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йилнинг 26 апрелида Андижон вилоятининг Марҳамат туманида (кўҳна Мингтепа) туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкентдаги рус тили ва адабиёти (ҳозирги Жаҳон тиллари университети)да таҳсил олди.***

***Унинг қизғин ёшлик йиллари Тошкентда ўтди. Шу ерда эл шоири деган ном қозонди. 1982 йилдан 1986 йилгача «Тошкент оқшоми» газетасида ҳам хизмат қилди. Шу даргоҳда устозлар назарига тушди. У Ватанини ўз онасидай, онасини Ватандай суйган «осмонқалб шоир» (А.Орипов) эди. Унинг беназир ижоди ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлди.***

***Ўша пайтлар Муҳаммаджон билан бирга бақамти ишлаган дўсти, шоир Сирожиддин Саййиднинг қуйида берилаётган хотиралари ҳам Муҳаммад Юсуфнинг ўша — ёшлик йилларидаги ўй-кечинмалари, изланишларию ўзига хос ижодий феъл-атворини бир қадар кўрсатиб беради деган умиддамиз.***

***Муҳаммад Юсуф бугун ҳаёт бўлганида элликка тўларди. Унинг номи — ёди ватандошлари қалбида ҳамиша тирик ва барҳаётдир.***

Муҳаммад Юсуф “Тошкент оқшоми” газетасига 1982 йилнинг кузида ишга келган эди. Ўшанда мен меҳнат таътилида эдим, Сурхондарёдан қайтиб, ишга чиққанимда, мусаҳҳиҳлар хонасида саҳифа ўқиётган қорачадан келган, озғин жуссали, сочлари қуюқ, ўта хомуш бегона йигитни кўриб ажаблангандай бўлдим. Қизларимиз жуда шаддод, шунга яраша мен ҳам ҳали ҳеч кимга кўринмайин, кутилмаганда уларнинг хонасига кириб, “Жануб қуёшидан сизларга салом!”дея қизларни мамнун этмоқчи эдим, лекин нотаниш йигитни кўриб таққа тўхтаб қолдим. Мусаҳҳиҳларимиз маликаси Муҳаббатхон мен кўринганим заҳоти саҳифадан бош кўтариб: “Во-ой! Ана, Сирожиддин ҳам келдила!” дея одатдагидай хандон отиб, чарақлаб кетди, бегона йигит ҳам менга қараб ним табассум билан ўрнидан турди. Кўришдик. Маликамиз дарров бизларни таништириб қўйди:

– Танишинг: Муҳаммад ака Юсупов. Биза билан ишлавоттила. Шеър ҳам ёзарканла...

Муҳаббатхоннинг “шеър ҳам ёзарканла” деган сўзлари тўппа-тўғри менга қаратилган эди, бу – “Энди “Оқшом”да шеър ёзадиганлар икки киши бўлдинглар” дегани эди.

Бизнинг Муҳаммаджон билан илк кўришувимиз шундай бошланган эди. Шу кундан эътиборан бирга ишлай бошладик, аста-аста бир-биримизни билиб, яқиндан танишиб бордик. Муҳаммаджонда мени ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам ҳамиша ҳайратлантирган ҳолат – унинг ҳаддан ташқари камгаплигию жимжитлиги, давраларга аралашмасдан, якка-ёлғиз ўй суриб юришлари эди. Ўйчанлик қуюқ қора сочларига, қошларининг тагига ин қурган бир жуфт қушни эслатгувчи мунгли кўзларию ажабтовур қадам ташлашларига жуда ҳам ярашар эди. Бу хомушлик баъзан суҳбатдошига эришдек туюлса-да, лекин оғир ботмасди.

— Газетада ишлаш қизиқ бўларкан, - деди бир куни Муҳаммаджон. – Вақтнинг ўтганини билмай қоларкансан. Ёзмасанг ҳам бир нарсалар ёзгинг келаверади.

Беш-олти ойлар ўтгандан кейинми, уни газетанинг шаҳар хўжалиги бўлимига ўтказишди. Мен – “Ахборот қироли” деб ном қозонган, филнинг хартумидан ҳам бир янгилик суғуриб оладиган тажрибали журналист Абдулла Пўлатов мудирлигидаги ахборот бўлимида, дўстимиз – бу бўлимда, гўёки ижодий ҳамкорлигимиз бошлангандай эди. У бўлимнинг Алпомиш келбатли мудири, шаҳар хўжалигининг билимдони, ҳамиша хушмуомалали Раҳматулла ака, хоналарига кирганимда, мени ўтирғизиб, “Энди, окоси, оғайнизга ёрдам берасиз, биргалашиб, маслаҳатлашиб ишлайсила”, дея иккимизга ҳам кўп йўл-йўриқлар берган эди. Кейин Муҳаммаджоннинг “Тошкент оқшоми” саҳифаларида тез орада газетхонлар эътиборини қозонган машҳур “шеърий луқма”лари чиқа бошлади. Уларга “Мақсад Яхшиев” деб имзо чекарди. Шаҳар хўжалиги мавзуидаги материаллар, одатда, газетанинг иккинчи саҳифасида бериларди, “шеърий луқма” лар ҳам шу бетдан жой олди. Шундай қилиб, Муҳаммаджон шаҳар хўжалиги муаммоларини шеърий йўсинда, ўзига хос тарзда ёрита бошлади. Бу – газета учун ҳам, газетхонлар учун ҳам кутилмаган янгилик эди. Соатсозларга бағишланган шеърий луқмаси ҳали ҳамон эсимда:

**Соатсозга ишим тушди,**
**Қатнайвериб тишим тушди.**

Бир замонлар Тошкент зилзиласидан кейин ташкил этилган, улуғ шоиримиз Ғафур Ғуломнинг шеърий дуоси билан бошланган “Оқшом”да ишлаш ҳақиқатан ҳам қизиқарли эди. Бу ерда яхлит бир ижодий муҳит, умумий кўтаринки кайфият, ходимлар билан бўлимларнинг самимий ҳамжиҳатлиги ҳукм сурарди.

Биз – газетанинг энг ёш ходимлари шу қизғин ижодий муҳитга астойдил сингиб кетган эдик. Янги дўстимизнинг хомуш феълию камгаплигига, унинг жайдари, халқона услубига тез орада ҳаммамиз кўникиб кетдик. Газета чиқаришнинг шовқин-суронлари, югур-югурларию ғала-ғовурлари орасида Муҳаммаджон ишга келмаган кунлар унинг йўқлиги дарров билиниб қоларди. Айниқса, навбатчи бўлган кунларимиз биз учун байрам эди. Ҳамма чиройли қизлар мусаҳҳиҳлар хонасида ишлар, бундай пайтлар саҳифа кўтариб уларнинг хонасига тез-тез киришга баҳона тайёр ва биз бу “имконият”дан ғоят оқилона фойдаланар эдик. У ерда “пневмопочта” деган қурилма бўларди. У орқали бўйни кесилган шишага ўхшаш узунчоқ пластмасса идишда цехдан тайёр бўлган саҳифаларни жўнатишар, қизлар қабул қилиб, хатоларни тўғрилаб бўлгач, яна шу йўсинда қайтариб юборишар эди. Тун кечада носи тугаб, гарангсиб қолган жингалаксоч мусаҳҳиҳ йигит Абдурашид Нурмуродов (ҳозирда таниқли ёзувчи) “пневмопочта” қувуридан “бир шиша нос тушсайди” дегандай мўлтайиб ўтирар, қизларнинг қўли-қўлига тегмасди. Кечаси бир-иккиларда газетани топшириб, ёқаларни кўтариб, тунги қушлардай уйларимизга равона бўлардик.

Марғуба опа – мусаҳҳиҳлар бошлиғи, ҳамиша жиддий, бизнинг бутун диққат-эътиборимиз шу бўлимга қаратилганини пайқаб қолган, нуқул маъноли-маъноли жилмайиб қўярди. Шоирахон – хаёлида рўзғори, бола-чақаси, ҳамиша серташвиш ва бесаранжом, бўлимнинг атиргули Дилором таниқли санъаткорнинг чиққан ҳар бир янги ашуласидан доим ҳаяжонда, “Бош қўйинг остонасига, мен каби ошиқ бўлинг!” дея баъзан шеърлар ҳам ўқиб турарди. Маъфура опадан эса қўрқардик. Жаҳли чиққанда дарҳол танбеҳ берарди. Сут-қаймоққа булаб олинган кулчага ўхшайдиган Шоҳистахон жуда сирли эди. Бу ерда яна бир қиз бор эди. Унинг рамзий исмини ҳам Муҳаббат дейлик. Кўзлари катта-катта, муомаласи, завқу ҳаяжони ҳам жуда самимий бу ойсулувни мен ўзимча “шаҳарлик оҳу” деб юрардим. Баъзан-баъзан кўзларини уялинқираб олиб қочишлари кишини ўйлантириб қўяр, бир хаёлларга етакларди ва бу хаёлларни унинг ўзи газета саҳифаси билан дарров тўсиб қўярди. Муҳаммаджонда ҳам шу “оҳу”мизга нисбатан бир сезгиларнинг уйғонганини сезсам-да, бу ҳақда сўрашга ботинолмасдим, у ҳам индамасди. Фақат бир боргина кўнглидагини билдиргандай бўлувди. “Муҳаббат жайронга ўхшайди...”

Кунларимиз шу зайлда давом этаверди. Тушлик танаффусларга ҳам доим бирга чиқардик.

Талабалик йилларида Навоий кўчасидан ўтиб бораётиб, бир ошхонада лағмон тановул қилиб ўтирган Абдулла акани кўрганимизда роса ҳайратланганмиз: “И-и, Абдулла акани қара, қара-қара, Абдулла ака ҳам овқат ер экан!”, дея ажабланганди талаба дўстимиз. Бизнинг ўша пайтдаги тасаввуримизча, Абдулла акадай шоирлар овқатланмай, фақат шеър ёзиб юрадигандай, улар фаришта мисол, бизнинг назаримизда, емак-ичмакдан, ердаги ташвишлардан баландда, юксакларда юрадиган самовий бир инсонлар, уларнинг овқати – севги, шабнамлар ва юлдузлардан иборат деб ўйлардик.

Муҳаммаджон кам овқат ер эди. Ошқозони баъзан-баъзан оғриб турар, кўпроқ қайнатилган таомларни хуш кўрарди. “хуш кўрарди” деган сўз бу ўринда нотўғри, унинг бирор марта ҳам одамларга ўхшаб иштаҳа билан овқатни паққос туширганини кўрмаганман. У жимгина, ўйга ботиб, секин овқатланарди. Гўёки, жисми сизнинг рўпарангизда ўтириб тушлик қилаяптию, ўзи, руҳи бошқа жойларда юргандай. Унинг таом ейишидан ҳам феъли, шоирлигию ўзига хослиги кўриниб турарди.

Ҳар оқшом чиқадиган “Оқшом” саҳифалари билан бизнинг ойларимиз ҳам тарқалиб кетаверди. Қиш ўрнини баҳорлар, баҳор ўрнини ёзу кузлар эгаллаб, алмашиниб ўтавердилар. “Оқшом” даги фасллар бизнинг ҳақиқий шеърий баҳоримиз, кўкламимизни бошлаб берди десам лоф бўлмайди. Бу қутлуғ даргоҳда тўрт йилимиз бирга кечган бўлса агар, шеърсиз, бирор сатрсиз ўтган кунни мен эсломайман. Муҳаммаджон ҳар кун, кун ора, ё бир кунда икки-уч бор ҳам бир янги шеър ўқиб берарди. Шеърият билан машғуллигимиз шу даражага бориб етдики, охири “летучка”да икковимиз ҳам дашном эшитдик. Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ака Ёқубов жиддий баёнот берди: “Ё шоирлигинглани қилингла, ё газетага қарангла! Бунақамас-да, ҳаммасининг ўрни бор”. Шеърлар эса ёзилар эди, газет чиқар экан, ё бугун навбатчи экансан, деб қараб турмасди. Муҳаммаджон дўстимизнинг бугунги кунда сайланма китобларидан кенг жой олган, ҳозир ҳам мухлислар тилидан тушмаган энг гўзал, самимий, соғинчли шеърлари ўша “Оқшом”да ишлаб юрган йилларда ёзилган. У Тошкентни ҳам, “Тошкент оқшоми”ни ҳам айрича бир муҳаббат билан яхши кўрарди. Шаҳарнинг “қумсувоқ болохоналари”га меҳрини бериб, Ватан ҳақида жозибали шеърлар битди. Қуйида парча келтирилаётган шеъри ҳам айни ўша “Оқшом”даги оқшомларда ёзилган:

**Кўнглим сезар,**
**энди бу ёғи аён,**
**Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан:**
**Ё Тошкентда энг**
**зўр шоир бўламан,**
**Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида**
**Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!**

Завқу шавқнинг, ҳаяжон, меҳру соғинчнинг зўридан шундай деган. Унинг устозларга ҳам меҳри бўлакча эди, Абдулла акани жуда яхши кўрар, кўплаб шеърларини ёддан биларди. Устоз ҳақида қизиқ бир хотираси бор эди: “Мактабда ўқиб юрганимда шаҳарни кўраман деб, уйдан қочиб Тошкентга келганман, вокзалда Абдулла акани кўриб қолиб саломлашганимда, оёғимга қараб, исмимни сўраб, кейин қўлимдан етаклаб бориб магазиндан туфли олиб берган”. Худо суйган қулига элтиб берар йўлига, деганларидай, Худонинг ўзи дуч қилгандай, кейинчалик Муҳаммаджон устознинг энг суюкли, содиқ шогирдларидан бири бўлиб қолди.

Ўша йиллар “Ёшлик” журнали ўқимишли, машҳур нашрлардан бири эди. Устоз Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган, унда босилган шеърий туркумми, достон, ҳикоя ва ё қиссами – дарров шов-шув бўлар ва шундай ном қозонган журналда шеъримиз чиқишини биз ҳам орзу қилиб юрардик. Бир кун шеърларимизни қўлтиқлаб, паст-баланд бўлиб журнал таҳририятига бордик. Бизни томоқ қириб қарши олган ёзувчи акамиз Эркин Аъзам йўғон, жиддий овози билан ўз шеъримизни ўзимизга ўқиб берганида, “зўр шоирлар эканмиз” деб ўйлаганмиз. Ташқарига чиққанимизда, Муҳаммаджон: “Шеърни биз ёзиб, Эркин Аъзам ўқиб берсин экан. Овозига қаранг, зоғора пишади”, дея ҳазиллашганди. Талабчан акамизнинг тегирмонидан соғ-омон чиқиб, шеърларимиз ниҳоят “Ёшлик”да босилгандан кейин, байрамни кўринг. Абдулла ака-нинг “Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё жилмайиб қўяди барчага масрур” сатрларининг бош қаҳрамонлари ўша кунларда биз эдик.

Бу ёқда эса Марғуба опа ҳамон бизга маъноли-маъноли қараб қўяр, оҳумиз, жайронимиз Муҳаббат бўлса нуқул нигоҳларини олиб қочар, бетгинаси баъзан нақш олмадай қизарибгина ҳам кетар эди. Ажаб савдолар! Муҳаммад Муҳаббатга, мен Муҳаммад ҳам Муҳаббатга қараб-қараб, ичимизда нималар кечаётганини фош қилмай, индамай сиполарча юраверибмиз!

Бир кун Муҳаммаджон ишхонага жуда ҳам хафа кайфиятда келди. Индамай хонага кириб, олдимга бир варақ қўйди, “Ўқиб кўрингчи”, дея стулга ўтирди. Кечаси ёзган янги шеъри экан, ўқидим:

**Қодир, қандай экан яшамоқ бахти?**
**Гоҳ уриб, г[illegible] тиниб ту[illegible]нда юрак,**
**Ўзи билдирмаса меҳриб[illegible] доктор,**
**Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...**
**...Ҳаммасини билиб яшамоқ оғир,**
**Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж.**
**Қўлингдан ҳеч нарса келмай шеър**
**ёзмоқ,**
**Онангни алдашдек осон ва жирканч.**

“Тинчликми?”, деб сўрасам, “Қодиржон яқин оғайним бўлади, ўзи бир бечора деҳқон, мошина уриб кетибди, оғир ётганмиш”, деди хўрсиниб. Шеър дард билан ёзилганди, менга ёққанини, “Жуда зўр шеър бўлибди!”, дея мақтаганимдан кейин сал чеҳраси ёришди. Кейин менга ҳам нохуш хабар келди, Сурхондарёга кетдим. Отамни қўйиб келганимдан сўнг аҳволимни кўриб, роса изтироб чекди, кўнглимни кўтаргандай бўлса-да, анча ўксиниб юрди, бир тонг яна “Ўқиб кўринг”, деб қўлимга қоғоз тутқазди. Бу – “Ота” деган шеър эди, менга тасалли бўлсин деб ёзган экан:

**Ота, ғўзангизни сув босиб кетди,**
**Чумчуқ вайрон қилди жўхорингизни.**
**Менинг китобларим бир**
**жамбилбаргча**
**Ёзолмади хуморингизни...**
**...Қирқ йиллик осколка қийнади**
**бир кун,**
**Сиз ётиб қолдингиз, бўлди керагим.**
**Учиб боролмадим самолёт бўлиб,**
**Ота, деб осмонга тегиб курагим,**
**Кейин сиз кетдингиз. Бу ёруғ дунё –**
**Тўполондарёни менга қолдириб.**
**Сўнгги ўтинчи[illegible]з ай[illegible]дим бажо,**
**Кўзларимни тўсган сочим олдириб!**
**Меҳримни бошимга урайми энди,**
**Шеъримни бошимга урайми?!**
**Менинг соғинчимни ютиб оғринмай,**
**Ёрилмай яшаган юрак юракми?**
**Ота, юзларимни сув босиб кетди...**

Бу шеърни худди ўзим ёзгандай, менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. “Сирож, бардам бўлинг, дўстим!”, деди Муҳаммаджон. Менинг оқшомларимга яна бир ҳаво – аччиқ ва тахир айрилиқ ҳавоси қўшилди. Биқинимда, қулоғимнинг тагида эса шоир дўстимнинг қалами қитирлаб турар, “Оқшом”даги ҳаётимиз шеъру ёшлик, баҳорлару кузларнинг рангу ифорлари билан бир маромда давом этар эди.

* * *

Бир куни ишга келганимда, мусаҳҳиҳлар хонасида юз-бетим аралаш момақалдироқ гулдирагандай бўлди. Марғуба опамиз дабдурустдан мазани қочирадиган янгиликдан хабардор қилди. “Ана, шунча юриб бирontанглаям гапирмадингла, Муҳаббат эрга тегвоттила!” Нима дейишимни билмай довдираб чиқиб кетдим, хонамизга борсам, Муҳаммаджон хомуш ўтирибди, “Эшитдингизми?” деди, холос. Мен “ҳа” дедим. Бошқа бу мавзуга қайтмадик. Кейин тўйга бордик. “Шоирларимиз шеър ўқисин”, дейишди. Биз вақтли чиқиб кетдик. Кейин Муҳаммаджон “Бунда бир қиз бор эди, бағоят дилдор эди” деган шеър ёзди. Беғаразгина аразга, аламга ўхшайдиган шеър.

**... Кетдик жўра. Нима бор**
**бировларнинг тўйида.**
**Бугун сайл бўлади**
**Ширмонбулоқ бўйида.**
**Шундай кунда ноз қилиб**
**Қарамаса бизларга,**
**Атиргулга мурч сепиб**
**Улашамиз қизларга.**

Икковимиз ҳам ғалати бўлиб қолдик. Гўё оламда Муҳаббат йўқдай, бўлмагандай, унга ҳеч қачон бизнинг ишимиз тушмагандай тутардик ўзимизни. Кунларнинг бирида ишга кечроқ келди, хонага кирдию олдимга, одатдагидай, яна бир варақ қоғоз қўйди, “Ўқиб кўринг-чи”, дея чиқиб кетди. Бу ёзгани мени хавотирга солиб қўйди, этларим жимирлади: “Тузалмайди дардим менинг, ўлсам керак. Тупроқ билан оға-ини бўлсам керак. Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, она. Ўғлинг қаро ерга кетди, хайр она” деб бошлангувчи бу шеърдаги “Инсон бир кун ўз майлига қул бўлади”, “Мен ҳаётда ўлимга тик боқиб ўсдим” дегандай сатрлар, умуман шеърнинг ўзи менда кучли таассурот қолдирди, бироқ у ўлим ҳақида эди. Дўстимиз хонага қайтиб кирганида, аввал янги шеъри билан табрикладим. Сўнгра Борис Пастернакнинг Евгений Евтушенкога насиҳатини эслатдим. “ҳеч қачон ўлимингизни шеърингизда айта кўрманг, бу – башоратдай жаранглаши мумкин, рўй бериши мумкин”. “Бўлса бордир” дея Муҳаммаджон жимгина бориб жойига ўтирди, ўйчан нигоҳлари билан деразадан ташқарига назар ташлади.

* * *

... Мирзо Бобур “Баҳор айёмидур, дағи йигитликнинг авонидур”, деганларидай, мен Муҳаммаджоннинг энг завқли, жўшқин-тошқин кунларига ҳам гувоҳ бўлганман. Бу – унинг Бодомзордаги севгиси, муҳаббати билан боғлиқ паллалар эди. Бир оқшомлар бошланди кейин, бир севинчлар билан бир шеърлар ёза бошлади!

**Бекатларда мен қоларман-да,**
**Айтар сўзим қолиб кетади.**
**Трамвайлар сени ҳар куни**
**Бодомзорга олиб кетади.**
**Термуламан изларидан жим,**
**Боқиб кўзим толиб кетади.**
**Бодомзорга сени ҳар куни**
**Трамвайлар олиб кетади.**
**Темир йўлга бошларин уриб,**
**Ғилдираклар нолиб кетади.**
**Трамвайлар сени ҳар куни**
**Бодомзорга олиб кетади...**

Ушбу шеърни Эркин ака, Муҳаммаджонни туғишган укасидай яхши кўрадиган, унча-мунча шеърни ёқтириши қийин бўлган Эркин Аъзам оғамиз ғоят хуш кўриб қолди, давраларда ҳам бир неча марталаб айтиб юрди. Муҳаммаджон билан Назирахоннинг тўйларига мен қатнаша олмадим, газетачилар билан Бекобод далаларида пахтада эдик. Шундай қилиб, кейин уларнинг олдинма-кетин қўшғунчадай бўлиб қизчалари туғилди. Нозима билан Мадина бу оиланинг қувончу севинчи, тасалли ҳам овунчи бўлиб дунёга келди. Кейин Ғафур Ғулом номидаги нашриётда илк китобларимиз чоп этилди. “Таниш тераклар” деб ном қўйган китоби унинг асосан “Тошкент оқшоми”да ишлаб юрган пайтларда ёзган шеърларидан тартиб берилган.

Муҳаммаджон такаббур, мақтанчоқ кимсаларни ёмон кўрарди. Бундай давраларни астагина тарк этарди. Калондимоғроқ ижодкор ҳақида бундоқ деган эди: “Аввал ўзбекча саломлашишни ўргансин, сўнгра шеър ёзсин”.

Бир ажойиб, мулойим кулгуси бор эди, бетида, гап-сўзида сохталик йўқ, соддалик ва камтарлик феъли билан мужассам, ҳиринглашни ёмон кўрар, ҳазилни ёқтирмас, лекин гоҳи-гоҳи ҳазил гап ҳам қилиб қўярди, ҳазили ҳам ўзига хос, шоирона бўларди. Мен ўша пайтлар телефонда кўп гаплашардим, телефонбозлигимни Муҳаммаджон яхши билар, бир куни хушовоз хонанда, раҳматли дўстимиз Муҳриддин Холиқов, Муҳаммаджон – учовимиз кўришадиган бўлдик. Улар менга белгиланган соатда қўнғироқ қиладиган бўлишди. Бир соатлар чамаси рақам тераверіб тушолмагач, қон бўлган Муҳаммаджон Муҳриддинга ўзи тўқиган “тарих”ни сўйлаб берган: “Қўйинг энди, барибир тушолмайсиз, ҳозир ўзимиз борамиз. Сирож асли туғруқхонада эмас, уйда туғилган. Онасининг қорнидан шундоқ ерга тушгану, биласизми нимани сўраган? “Она, телефонимиз борми?” деб сўраган.” Телефонда биров билан роса шакаргуфторлик қилиб турганимда бирдан эшик очилиб, икковлари кириб келишди, мени кўриб, шарақлаб кулиб юборишди. “Айтдим-ку!”, деди Муҳаммаджон Муҳриддинга. “Кўрдингизми?”.

Яна бир даврада, ўзи Муҳаммаджоннинг шеърларини айтиб ном чиқарган олифтароқ хонандалардан бири, “Муҳаммад ака, катта шоирсиз, зўр костюмлардан кийиб юрсангиз бўлмайдими?” дегандай жуда ўринсиз гап қилганди. Давра кўпчилик эди, Муҳаммаджоннинг жаҳли чиқди, лекин билдирмади, бу йигитни сўкиб берса ҳам бўларди, бироқ бошқача, жайдарироқ гап қилди: “Сенинг ҳаммангни кийинтириб юрибманку, шу етади-да менга!”

Ёзган шеърлари тезда қўшиқларга айланиб, эл ичида номи овоза бўлгандан кейин бир сўзни жуда ёмон кўрарди. Бизда, ўзбек тилида қайдан пайдо бўлганини билмайман, ўрисчада бу – “поэт- песенник” дейилади. У менга бор-йўғи бир мартагина жиддий илтимос қилган: “Мабодо мен ҳақимда бирон нима ёзмоқчи бўлсангиз агар “қўшиқчи шоир” деган сўзни ишлатмасангиз...” “Қўшиқчи, ўйинчи шоирлар” кейин пайдо бўлди – тақлидчилар, кўчирмачилар...

* * *

Ўша кезлар Муҳаммаджон Сурхондарёни кўришни орзу қилар, “Бир обборасиз-да..” дея ниятини ҳам билдирган эди. Кейинчалик, укаларимизнинг тўйи баҳона, хабар ёзиш бўйича устозимиз Абдулла Пўлатов, ёзувчи Нормурод Норқобиловлар билан бирга уйимизга боришган. Онамлар “Боламга ўхшаркансиз, болам” деб дуо қилганлар. Тумонат одам йиғилган тўйда ўртага чиқиб “Дўппи киймай қўйди одамлар”, “Аёллар ҳар йили туғавердилар” сингари шеърларини ўқиб, роса олқиш олган. Шунда эл суйган санъаткоримиз Шерали Жўраев ўрнидан туриб, қўлларини унинг елкасига қўйиб: “Шу одамларнинг ичида камида еттитаси Ҳизр бўлса керак, қани, қўлларингизни очинглар, шу укамизнинг юрагидаги, юрагининг туби-тубидаги ниятлари рўёбга чиқиб, элу юртимизнинг катта шоирига айланиб кетсин!” дея халқдан дуо олиб берган. Шоирнинг ўзи айтгандай “Бу хуш онлар бир тушдайин ўтдию кетди.”

Мен унинг “Севиш керак, яшаш шарт эмас” деган шеърини яхши кўрардим. Бир баҳс ё тортишув чиқди дегунча шу сатрни кўндаланг қилардим. Фалакнинг ҳукмини қарангки, бу шеъри ҳам ўзининг кейинчалик ҳаётига башорат янглиғ янграган экан.

Қайсидир сана муносабати билан Абдулла аканинг газета ва газетхонларга тилаклари босилиб, унда бир тўртлик ҳам берилган эди:

**Сизга тилакларим бир жаҳон бўлсин,**
**Бошингиз офтобли осмон бўлсин.**
**Кундузнинг ғаройиб чоғидир оқшом,**
**Саодат бирла у нурафшон бўлсин.**

Бу шеър бизнинг “Оқшом”даги йилларимизга бағишлангандай эди. Тўрт йилимиз шундоқ бирга кечди, кейин уйли-жойли бўлиб, ҳар ёнга тарқаб кетдик. Бизнинг газета билан хўшлашувимиз, айни пайтда “Оқшом”да кечган оқшомларимиз билан ҳам хайрлашувимиз эди. Энг завқли кунларимиз, ёшлигимизнинг энг беғубор дамлари шу даргоҳда ўтди. Биз бу ерда ҳаётни ўргандик, одамни, оқу қорани танидик. Умри, ҳаётию бутун тириклиги газета билан боғлиқ камтарин, меҳнаткаш ва оққўнгил инсонлардан сабоқ олдик, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлдик. Дўстлик қандай бўлишини, муҳаббат нималигини биз шу ерда билдик, изтироб чекдик, севдик, севилдик.

* * *

Буни ҳаёт дейдилар. Орадан йиллар ўтиб, Муҳаммаджон катта шоир бўлиб кетгандан сўнг ҳам ҳар учрашганимизда бир баҳонайи сабаб билан «Оқшом»ни эслаб қўярди. Бир гал у ўйчангина ҳолатда “Муҳаббат эсингиздами, жайрон?” деб сўради. Яна хаёлга ботиб давом этди. «Биласизми, сиз яхши кўрсангиз керак, деб мен унга индамагандим». Мен лол бўлиб қолдим. Чунки айнан худди шундай гумон Муҳаммаджонга нисбатан менда ҳам бор эди. Муҳаббат. Муҳаббат. “Муҳаббат бор экан дунёда!”

Яна бир сафар ўзидан-ўзи “Сирож, сиз мени ака дейишингиз керак”, деб туриб олди. Ёш жиҳатдан у ҳақиқатан ҳам менинг акам тенги, ака десам ҳам ҳеч нарса йўқотмасдим, лекин шунча йиллар “Муҳаммад, Муҳаммаджон” деб юриб ўрганган одам, бирданига ака дейишим ўзимга ғалатироқ туюлди, шундоқ қилсам яқин дўстимдан айрилиб қоладигандай, ўжарлигим тутди. “Сал вақтлироқ ўйлаш керак эди, тақсир, энди кеч бўлди, ўлдирсангиз ҳам айтолмайман!” дедим. Ўша, кишига хуш ёқадиган майин жилмайиш билан индамай қўя қолди.

... 2001 йилнинг июль ойида бутун шаҳар бўйлаб “Зарафшон” концерт залида Муҳаммад Юсуфнинг таниқли санъаткорлар иштирокида ижодий кечаси бўлишини билдирувчи афишалар осилди. Муҳаммаджон “Қайтиб келаман, ҳаммангларни об кираман!”, деб “Оқшом”даги қизларга ваъда бериб, кейин ўзи Элликқалъага жўнабди. Қизлар мени топишиб, бирга киришимиз кераклигини айтишди. Минг афсуски... у қайтиб келмади. Афишалар осиғлигича зору ҳайрон қолиб кетди.

Ўша оғир кунда уни Марҳаматдан олиб ўтаётганимизда бутун эл – ёшу қари кўчага чиққан эди. Шашқатор йиғлаётган қишлоқ аёлларию, юз-бетлари ёшдан ҳўл қиз-жувонлар, йигитлар. Ўзи суйган, ўзи куйлаган эл. Муштипар волидасию “Ёзилмаган достонлари қолган акам!” деб йиғлаган куюнчак сингиллари...

Қалдирғочни жаннати қуш дейишади. Ўша кун дўстимизни ерга топшираётганда кўкда, бошимиз узра Андижоннинг қалдирғочлари чирқиллаб айланди-ей, айланаверди. “Осмонимга олиб кетаман” деган китоби ўз умрига башорати бўлдими, нима? Жону-руҳини ердаги ташвишлардан айириб, шу қалдирғочларга қўшиб жўнатиб юбордими ё?.. Кечқурун Андижон аэропортида Тошкентга қайтаётганимизда эзилиб кетган Эркин Аъзам шундай савол берди: “Менга қара, Сирожиддин, Муҳаммаджон энди... битта ўзи қолиб кетадими?..”

* * *

Орадан кунлар ўтиб кейин тасодифан Муҳаббатни кўриб қолдим, тўхтатиб аҳвол сўрадим. Ўша – ўзини олиб қочадиган катта-катта уятчан кўзлар, фақат бироз мунг аралашган. Омонат қолиб кетмасин деб, бор гапни очиқ айтдим. “Э-э силани қаранглару?!” дедию, кўзларига ғилт-ғилт ёш айланиб кетиб қолди...

Мен элу юртнинг суюкли шоирига айланган дўстим ҳақида бир кун келиб марсия ё хотира ёзаман деб ҳеч ўйлабмидим?.. “Оқшом”да ишлаб юрган кезларимизда бирга тушган суратимиз тагига шундай дастхат ёзиб қўйилган экан: **“Биз бошқа ҳеч қачон бундай бўлолмаймиз...”** Суратнинг орт томонида эса икки сатр шеър:

**«Бировнинг соғинчи эзди кўп ёмон,**
**Дўстим, бу фожеа бир ўзимга аён.”**

Йигитлигимизнинг энг ажиб, севинчли, саодатли оқшомлари кечган “Оқшом”. Улуғ инсонларнинг эзгу номларини сақлаб, авайлаб келаётган “Оқшом”, “Тошкент оқшоми”.

Раҳматли Муҳаммаджон ёмғирда юришни яхши кўрарди. Таҳририятдан чиқардию ёмғирларга қўшилиб сингиб кетарди. Бу ёмғирлар энди обираҳмат бўлиб, эл раҳмати бўлиб унинг ҳокига ёғилаётир.

Яна бир гапни айтмасам бўлмас: Муҳаммаджон ўлимга эмас, ҳаётга тик қараб ўсган шоир эди.

**Севгим – осмонларга учган оқ каптар,**
**Сенинг қанотингга битайин хатлар.**
**Ногаҳон қарайман: булутлар ғужғон,**
**Ёмғирларда қолмиш бир шеърий**
**дафтар.**
**Васлу ҳижронингга жон-жоним пайванд,**
**Ҳаёт, пардаларинг бунчалар баланд!**
**Гоҳо товуш етмас, гоҳо етмас сўз,**
**Етса, овозларга ташлайсан каманд...**

**Сирожиддин САЙЙИД**



Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доимо бўлур...

● Бир ёлғончи ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

**«Мажастий» бирла**
**«Ўқлидис» билурман,**
**Бу фан бобида юзни**
**мот қилурман.**

Замона саҳифасида ва замину осмон теграсида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзларимга аёндир!

Унинг беҳуда ва паришон аҳволидан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд - пастга учма, ёлғончилик кўйига тушма! Узоққа бориб юрмайлик, айтчи, иягингдаги соқолинг толаси нечта?»

Байт:

**Беҳуда гапларни**
**гапирса киши,**
**Гапидан ортажак**
**бошда ташвиши.**

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингни очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

**Эшитдимки, жамшид —**
**соҳиби олам,**
**Чашмадаги тошга ўтириб**
**шу дам,**
**Деди: «Кимлар бунда**
**ўтирган шодон,**
**Аммо, кўз очмайин**
**бўлгандир вайрон»!**

● Барзу ал Ҳаким айтади:

— Беш киши беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балога мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан ғофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли, покдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

● Яна Барзу ал Ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир.

Масалан, мурувват ақлга, рой ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

● Бир ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, пайт пойлаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

● Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, таклиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учинчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

● Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши!

*Туманларда*

# МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

***Фан ва технологиялар маркази босмахонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан «Ўзаро муносабатларда инсонийлик ва меҳрни шакллантиришнинг психологик асослари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Тадбирда сўзга чиққан психолог Феруза Акрамова маънавиятнинг энг юқори даражаси инсоннинг ўзи ва мартабасини билиш эканлигини таъкидлаб, шарқ фалсафасида аввал асосан инсон руҳияти, унинг маънавий оламини билишга, одамларнинг ўзаро муносабатларини англашга эътибор берилганлиги, инсоннинг ижтимоий аҳволини нисбатан иккинчи ўринга қўйиб, унинг маънавий камолотига алоҳида аҳамият қаратганлигини айтиб ўтди.

— Ўзаро муносабатларда маънавияти юксак инсонлар яъни — ақлли, кўнглида дард ва муҳаббат бўлган одамлар кўрганидан ибрат, эшитганларидан сабоқ олади, — деди жумладан «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими раиси Малоҳат Ортиқова. — Дардсиз, муҳаббатсиз, тош қалбли одамлар эса бу хислатлардан йироқда. Зеро, маънавий баркамол одам ҳар қандай бўҳронларга қарши тура олади, мард ва матонатли бўлади.

Мазкур давра суҳбатида Фан ва технологиялар маркази ишчи ходимлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга шу каби тадбирларни келгусида яна ўтказиб турилишига келишиб олинди.

**Юлдуз РИЗАЕВА**

***Москвада Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов қаламига мансуб "Письма на тот свет, Дедушке" ("Нариги дунёга, бобомга хатлар") китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Асар Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамияти, бошқа қатор ташкилотлар ва фуқароларнинг кўмагида Москвадаги "Мир" нашриётида чоп этилди.***

# ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Тадбирда Оролни экологик инқироздан сақлаб қолиш муаммоси билан узоқ йиллар давомида шуғулланиб келаётган таниқли ёзувчи, олим ва журналистлар тўпланди. Улар Т.Қаипбергеновнинг янги китоби аҳамияти тўғрисида фикр юритиб, Орол ҳалокатини "отанинг ўлими, Амударё ва Сирдарёнинг қуриб қолишини эса онанинг ўлими" билан тенг кўраётган халқнинг оғир қайғусига эътиборни қаратди.

Ёзувчи ўзининг янги асарини тақдим қилиб, Орол фожеаси ҳақида турли даражада мунтазам бонг уришдан чарчамаётганини таъкидлади. Т.Қаипбергеновнинг 1989 йилда Оролбўйи фожеасига бағишлаб қилган чиқиши ҳалигача одамлар хотирасида сақланган. Ўшанда академик Андрей Сахаров унинг сўзларидан таъсирланиб қуйидагиларни ёзган эди: "Қамрови ва давомли оқибатлари билан уни сўнгги жаҳон фожеаларига қиёслаш мумкин... Анжумандаги бу чиқиш ўта кучлилардан бири бўлди".

Анжуманда сўзга чиққан аксарият иштирокчиларнинг фикрича, Қаипбергенов китоби нафақат ҳақиқат эътирофи, балки денгизнинг қуриётгани, халқнинг азоб-уқубат тортаётгани, табиатнинг ҳалок бўлаётгани боис дард-алам изтиробларига тўла инсоннинг том маънодаги қалб нидоси ҳамдир.

Янги китоб қаҳрамони сувга тўла Орол соҳиллари бўйида ўтказган ёшлиги, қачонлардир кучли тўлқинларни ўз бошидан кечирган денгизни эслайди. Тақдимот иштирокчиларидан бирининг сўзларига кўра, бугунги Орол - кунлари саноқли қолган, лекин дунёга ҳанузгача умид ва илтижо кўзлари билан қараётган кекса мўйсафидни эслатади.

Тадбир қатнашчилари Т.Қаипбергенов китобини жаҳоннинг етакчи тилларида чоп этиш ва уни дунёнинг ҳамма чеккаларида тарқатиш таклифи билан ЮНЕСКОга мурожаат этиш таклифини қўллаб-қувватлашди. Зеро, Оролнинг ер сатҳидан йўқолиши – бу бир халқ ёки бир мамлакат эмас, балки бутун сайёрамиз ўз бошидан кечириши мумкин бўлган кулфат ва мусибатдир.

**«Жаҳон» АА**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# САХОВАТЛИ ЭЛНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

***Наврўз — халқимизнинг азалий ва қадимий қадриятидир. Тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган бу байрам табиатига халқимизнинг ўзига хос ўзбекона руҳи сингдирилган. Бу қадимий ва навқирон байрамда туйғулар, меҳр ва шафқат, нафосат ва саодат улуғланади. Бу йилги Наврўзимизнинг ўзига хос гашти бор. Унинг, авваламбор, меҳр ва мурувват туйғулари билан ҳамоҳанглиги байрамнинг мазмун-моҳиятини белгилайди.***



**Меҳр ва мурувват йилининг ўзига хос анъаналари бугун минг йиллар оша келаётган Наврўз урф-одатлари билан уйғунлашиб, халқимизнинг бебаҳо фазилатларини янада эркинроқ намойиш қилмоқда. Эзгу ниятлар билан яшаётган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси энг аввало яқинлари, қўни-қўшнилари, таниш-билишларига яхшилик қилиш орқали ўзлигини намоён қилмоқда. Буни биз бутун республикамизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилган ҳашарлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, хайрия тадбирлари ва бошқа маросимларда сезиб турибмиз.**

**Республикамиз Президентининг 1992 йил 22 майда имзолаган «Наврўз» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган мустақиллигимизнинг биринчи қалдирғочи халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси бугун 12 ёшда. Жамғарманинг ўтган йиллардаги фаолияти қандай бўлди? У ўз олдига қўйган мақсад, вазифаларига қай даражада эришди? Бизнинг халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Калон ШОДИЕВ билан суҳбатимиз айнан шу ҳақда кечди.**

— Жамғарманинг асосий вазифаси аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашдан иборат. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири — аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш борасида жамғарма ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан айтиб ўтишга арзигулик вазифалар амалга оширилди. Айниқса, «Инсон манфаатлари», «Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Қарияларни қадрлаш», «Обод маҳалла» йиллари бўйича қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда қилинган ишларни алоҳида қайд этиш лозим.

Жамғарма ташкил этилган пайтдан бошлаб фаолият ҳам ушбу Давлат дастурларига ҳамоҳанг тарзда олиб борилди. 1992 йил «Наврўз» телемарафонидан тушган 11 миллион сўм маблағ билан иш бошлаб, 12 йил давомида қилинган хайрия салмоғи ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2003 йилга келиб 100 миллион сўмга яқин хайрия ишлари амалга оширилди. Мамлакатимизда «Наврўз» хайрия жамғармасининг 105 дан ортиқ катта-кичик бўлимлари ишлаб турибди.

Жамғарма учун 12 йил кичик бир давр, бу вақт ичида баъзан катта муваффақиятларни қўлга киритдик, баъзан эса камчиликларимиз ҳам бўлди. Ҳозир мамлакатимизда юзлаб меҳр-мурувват ташкилотлари бор. Шу туфайли биз тадбиркорлик, фермерлик фаолиятини йўлга қўйиб «Ўзимиз ишлаб топамиз ва ёрдам берамиз» шиори остида ишлаб келяпмиз.

Жамғарма Ижтимоий таъминот ва меҳнат вазирлиги билан имзоланган шартномага кўра, 2005 йилга қадар ёлғиз кексаларни, ногирон ва пенсионерларни оптик кўзойнаклар билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Жумладан, Обод маҳалла йилида Тошкент шаҳрида 64 нафар қарияга ва бошқа вилоятларда жами 1,5 миллион сўмликка яқин оптик кўзойнаклар олиб берилди.

**— Меҳр ва мурувват йилида бажарилиши кўзда тутилган режалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Жамғарманинг барча бўлимлари йил давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Энг яхши анъаналарни тарғиб қилиш ниятида Телерадиокомпания билан ҳамкорликда йил давомида «Меҳр-мурувват» хайрия кўрсатувлари туркумини намойиш қилиш режасини белгилаганмиз.

Маънавият соҳасида мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида қатор тадбирлар ўтказилиши режаланган.

Барча бўлимларда «Меҳр чашмаси», «Саховат», «Ватан меҳри» хайрия кечалари ўтказиш ҳам белгиланган. Жамғарма дастурида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг хотира кечасини ташкил этиш тадбири ҳам бор.

Жамғарма қошида «Муҳаммад Гармон» бадиий дастаси ташкил этилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Шокиров раҳбарлик қилаётган бадиий жамоа кам таъминланган хонадонларда, меҳрибонлик ва қариялар уйларида, ҳарбий қисмларда бепул хайрия концертларини ўтказиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бундан 12 йил муқаддам дунёга келган мамлакатимизнинг биринчи хайрия ташкилоти ҳам ўз дастурини «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурига киритилган вазифалар билан уйғунлаштириб олиб боришни мақсад қилиб қўйган. Жамғарманинг асосий мақсадларидан яна бири саховатпеша фуқароларнинг хайрли ишларини кенг тарғиб қилиш, бошқаларни ҳам ана шундай хайрли ишларга даъват этишдан иборатдир.

**Дарҳақиқат, меҳрли элнинг фарзандлари саховатлидир. Улар ўзларининг савобли ишлари билан элу юрти, Ватанига меҳр-мурувват ва муҳаббат кўрсатадилар. «Наврўз»чилар ҳам уларнинг сафида туриб савобли ва хайрли ишларни беминнат бажариб элу юрт дуосини олмоқдалар.**

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**
**суҳбатлашди**

*Турфа олам*

## САЙЁРАМИЗ АҲОЛИСИ ЯНА ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ...

***АҚШдаги аҳолини рўйхатга олиш бюроси жаҳондаги демографик ўзгаришларга бағишланган ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, ҳозир АҚШ аҳолисининг сони 288 миллион кишини ташкил этади. Яна ярим асрдан кейин бу рақам 420 миллионга етади. Ғарбий Европа нуфуси эса бу вақтда камайиб боради ва 392 миллиондан 173 миллионга тушади.***

Ҳозир Россияда 145 миллион киши яшайди. Бироқ бу рақам 2025 йилга келиб 136 миллионни, 2050 йилда эса 118 миллионни ташкил этаркан.

Америкалик олимларнинг айтишича, аҳолининг камайиши фақат Россияга тегишли эмас. Бу жараён Украинада ҳам давом этади. Яъни, Украинада аҳоли сони кейинги эллик йил давомида 48 миллиондан 38 миллионга камаяди. Марказий Осиё мамлакатларида эса аҳоли сони ўсиши юқори суръат билан давом этади.

2002 йилда сайёрамиз аҳолиси 6,2 миллиард кишини ташкил этганди. 2025 йилгача бу рақам 7,8 миллиардга, яна чорак асрдан кейин эса 9 миллиардга етади. Аҳоли ўсиши асосан, ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозир дунёда энг сераҳоли мамлакат Хитой, ундан кейин Ҳиндистон ҳисобланади. Хитой аҳолиси ҳозир 1,3 миллиард кишини ташкил этса яна ярим асрдан кейин бу кўрсаткич 1,44 миллиардга етади. Ҳиндистонда эса эллик йилдан кейин 1,6 миллиард киши истиқомат қилади. Ҳиндистон аҳоли сони бўйича ярим асрдан кейин Хитойдан ўзиб, жаҳонда биринчи ўринга чиқади.

Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, дунёда аҳоли сони ўсиши даражаси бундан ўн йил муқаддам энг юқори кўрсаткичга эришганди. Шундан кейин ўсиш сустлаша бошлади. Бунга дунё бўйича туғилиш кўрсаткичи камайгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Кейинги ўн йил давомида сайёрамизда одамлар сони камайишига аҳолининг кексайиб бораётгани ва ОИТС касаллигининг салбий таъсири сабаб бўлиши айтилмоқда.

ОИТС касаллигининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши инсоният олдида катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, ушбу хасталик туфайли Африканинг қатор мамлакатларида одамларнинг ўртача умр кўриши атиги 30 йилни ташкил этаётир. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда туғилишнинг пасайиши сабабли аҳолининг катта қисмини нафақа ёшидаги одамлар ташкил этаётир. Мутахассислар ушбу жараён келгусида ҳам давом этишини тахмин қилмоқда.

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

***Таълим сифатини янада юксалтиришда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим омил саналади. Бу борада ҳукуматимиз ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» кредит лойиҳаси катта аҳамиятга эга.***

Умумий қиймати 57 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа асосида янги ўқув адабиётларини нашр этиш, таълим масканларини замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, коллежларни ривожлантириш ишлари амалга оширилаётир.

Лойиҳага мувофиқ юртимиздаги қурилиш, қишлоқ хўжалиги, саноат, маиший хизмат ва бошқа йўналишлардаги 43 касб-ҳунар коллежи ҳамда иккита лицей танлаб олинган. Улар хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи, директор ва директор ўринбосарлари хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтмоқда.

Пойтахтимиздаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида бўлиб ўтган семинарда ана шулар хусусида сўз юритилди. Унда ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштиришда замонавий педагогик технология ва техник жиҳозлар, хусусан, компьютер имкониятларидан самарали фойдаланишга оид масалалар муҳокама этилди.

**ЎзА**

*Ёшлар — келажагимиз*

# ИЖОДИЙ ИШЛАР КЎРИГИ

***Яқинда Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт коллежида ҳар ўқув йилида анъана тусига кириб қолган иқтидорли ўқувчиларнинг илмий-амалий анжумани ва ижодий ишлар кўриги бўлиб ўтди.***

Анжуман «Фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзусига бағишланди. Илмий-амалий анжуманга фақат коллеж талабалари, ўқитувчиларгина эмас, балки оталиққа олинган Гулистон, Жиззах, Ғаллаорол, Янгиер, Дўстлик туманларидаги тиббиёт коллежлари талабалари ҳам турли фанлар бўйича ўз маърузалари билан қатнашдилар. Коллежнинг иқтидорли ўқувчилари фанлардан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари учун Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Шарқшунослик институти, Микробиология институти, Тошкент фармацевтика институти олимлари билан ижодий ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Анжуманда 1-курс, 58-гуруҳ фармация бўлими талабаси Рухсора Раҳматованинг иқтисодий география фанидан «Ўзбекистоннинг экологик аҳволи ва унга таҳдид солувчи асосий омиллар» тўғрисидаги илмий маърузаси 1-ўринга муносиб деб топилди.

1-курс, 57-гуруҳ фармация бўлими талабалари, адабиёт фанидан «Халқ оғзаки поэтик ижоди» мавзусидаги илмий чиқишлари билан совринли ўринни эгалладилар. Анжуман сўнгида ўқувчиларнинг ижодий ишлар кўриги бўйича танлов эълон қилинди. Бунда 1-ўринни ижтимоий фанлар кафедраси, 2-ўринни педиатрия кафедраси, 3-ўринни эса тиллар кафедраси эгалладилар.

**Насиба МУҲИБОВА,**
**коллеж ўқитувчиси.**

*Тадбирлар*

## МАЪНАВИЯТ — ЭЗГУЛИК ГУЛТОЖИ

***Яқинда электр-техника коллежида «Маънавият ақл шамчироғи» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни Чилонзор туман «Маънавият ва маърифат» маркази коллеж билан ҳамкорликда ташкил этишди.***

Кечада шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари Саидакмал Саиднуриддинов, Миродил Миржалилов ва «Маънавият ва маърифат» маркази Чилонзор туман бўлими раҳбари Малоҳат Ортиқова, бош мутахассис Абдуқодир Ориповлар бугунги ёш авлоднинг фандаги, амалий ишлардаги, санъатдаги ютуқлари, кийиниш ва сўзлашиш маданияти, миллийлигимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизнинг аҳамияти, одоб ва ахлоқнинг мезони, ислом динининг ёшлар ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти ва ўрнига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Коллеж талабалари ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар олдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

*жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган депозит (омонат) сертификатларни*

*Таклиф этади*

*— муомаладаги муддати 3 ва 6 ой бўлиб, йиллик даромади тегишли тартибда — 21 ва 24 фоиз*

*— сертификатлар — 25000 ва 50000 сўмлик*

NBU

**МИЛЛИЙ БАНКНИНГ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ – ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИ БЎЛИШИГА ГАРОВДИР!**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 134-14-14, 135-42-83**

**www.nbu.com**

*Спорт*

## МЕРГАНЛАР КУЧ СИНАШДИ

***Шаҳримиздаги «Динамо» спорт жамияти тирида бир ҳафта давомида ўқ отиш бўйича шахсий ва жамоавий ҳисобда Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда 1985 йилда туғилган ва ундан ёш ўсмирлар иштирок этди.***

Қуйида мусобақа ғолиблари билан таништириб ўтамиз. ВП-12 русумли пневматик қуролдан отиш машқида 484 очко жамғарган андижонлик Руслан Юнусов ғолиблар сафини бошқарган бўлса, ВП-4 пневматик милтиқдан бехато нишонга уриш баҳсида ҳамшаҳримиз Виктор Шукаев 383 очко жамғариб ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

ПП-2 пневматик тўппончасидан отиш машқида эркаклар баҳсида тошкентлик Владислав Ситников 384 очко билан ғолиб чиққан бўлса, худди шу машқнинг аёллар ўртасида ўтказилган беллашувида андижонлик Гўзал Йўлдошева 364 очко билан зафар қучди.

Қувонарли томони шундаки, Владислав Ситников ғолиб чиқиш билан бирга спорт устаси талабларини ҳам бажаришга муваффақ бўлди.

МП-5 машқи бўйича Мария Теплова (Тошкент) 527 очко жамғариб ғалаба қозонди.

МВ-9 кичик калибрли милтиқдан отишда ҳам ҳамшаҳримиз Андрей Журавлевга тенг келадиганлар топилмади. У 567 очко билан энг юқори натижа кўрсатишга муваффақ бўлди. Аёллар ўртасида эса худди шу машқ натижаларига кўра Елена Дронина (Тошкент) ғолиб чиқди. Андрей Журавлевга МВ-5 машқида ҳам омад кулиб боқди. Аёллар баҳсида тошкентлик Яна Фатхи бу машқда ғалаба нашидасини сурди.

Биринчилик якунларига кўра Азиз Муҳаммадраҳимов МП-4 машқида ғалаба қозонган ҳолда спорт устаси, Баҳром Қодиров эса спорт усталигига номзод меъёрлари талабларини бажарди.

Умумжамоа ҳисобида ҳамшаҳарларимиз ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини банд этишди.

**Дамир НУРМАТОВ**

***Шаҳримиз маҳаллаларида Меҳр ва мурувват йили ҳамда Наврўз байрами ажиб уйғунликда, савоб амалларга тўлиқ ҳолда нишонланаётгани қувонарли ҳолдир.***

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# МАҲАЛЛАДА САХОВАТ ТАДБИРИ

Акмал Икромов туманидаги «Шарқ гули» маҳалласида ҳам ушбу қутлуғ айёмларга бағишланган тадбир Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, жамғарманинг туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унга маҳаллада истиқомат қилувчи барча инсонлар ва узоқ-яқиндан меҳмонлар таклиф этилди.

Байрам тадбирини Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Акромов очар экан, жумладан юртимизда амалга оширилаётган барча жараёнлар аста-секин ўз мевасини бера бошлагани, қадриятларимиз тикланиб, эъзозланаётгани, Республикамиз юксалиб жаҳон ҳамжамиятида ҳам муносиб ўрнига эга бўлгани, шундай тарихга бой бўлган халқ фарзанди эканлигимиздан қувонишимиз лозимлигини қайд этди. Шунингдек, меҳр-мурувват деганда аввало жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож ногиронлар, етим-есирлар, кексаларга нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатиш лозимлигини таъкидлади. Маҳаллада мурувват тадбирининг буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 668 йиллиги кунларида ўтказилаётганида рамзий маъно борлигини айтиб, ҳаммамиз бир жону бир тан бўлсак, ҳеч қандай қора кучлар тинчлигимизга раҳна сола олмаслигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Тадбир давомида маҳаллада истиқомат қилувчи 8 та кам таъминланган оилага шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасидан 25000 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди, маҳалланинг ҳисоб рақамига жамғарманинг туман бўлимидан 150000 сўм пул ўтказиб берилди. Бундан ташқари маҳаллада истиқомат қилувчи саховатпеша инсонлар ҳам баҳоли-қудрат муҳтож кишиларга ўз кўмакларини кўрсатишди.

Халқ севган хонандалар ижросидаги дилтортар мумтоз қўшиқлар ва жозибали рақслар тадбирга ўзгача файз киритди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## «ТЕЗКОР» ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

***Мамлакатимиздаги соғлом молиявий рақобат муҳити тижорат банклари томонидан мижозларни жалб этишнинг янгидан-янги усулларини қўллашга ундамоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки жисмоний шахсларга мамлакат ичкарисида филиалляраро зудлик билан пул жўнатиш имконини берадиган «Тезкор» хизмат турини жорий этди.***

Унга биноан мижозлар ўзининг миллий валютадаги пулини юртимизнинг исталган ҳудудига шу заҳоти етказиб бериш имконига эга бўлди. Халқ банкининг 204 бўлими шу усулда икки ҳафта мобайнида уч юздан зиёд жисмоний шахснинг икки миллион сўмдан зиёд пулини тегишли манзилга етказиб берди.

«Тезкор» хизмат тури ота-оналарнинг ўз йигитлик бурчини ўтаётган ёки олисда таълим олаётган фарзандларига, оиласидан узоқда меҳнат қилаётганлар эса ўз оилаларига пул жўнатишида айниқса қўл келмоқда.

**ЎзА**

*Триатлон*

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

***Триатлон нисбатан ёш спорт турлари қаторига киради. Бинобарин, триатлон бўйича Ўзбекистон терма жамоаси халқаро мусобақаларда иштирок этишни 2000 йилдан бошлаган.***

Шундай бўлса-да, мамлакатимиз триатлончилари кейинги пайтларда халқаро майдонда салмоқли муваффақиятларга эришмоқдалар. Бир ҳафта давомида Филиппиннинг Субик-Бей шаҳрида триатлон бўйича ўтказилган Осиё чемпионати баҳслари фикримиз далилидир.

Шуни айтиш керакки, қитъа чемпионатида Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Қозоғистон, Эрон, Ҳиндистон каби 19 та давлатдан келган 150 дан ортиқ триатлон усталари ғалаба учун кураш олиб борди. Мамлакатимиз терма жамоаси таркибидан бу гал 18-21 ёшли умидли спортчилар ўрин олишди. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, ёшларимиз 2008 йилда Хитойда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар олиш ниятида узоқни кўзлаган ҳолда мусобақаларда қатнашиб келмоқдалар.

И.Морозов, А.Михеев, Д.Тишаев, Е.Алексеев, А.Черепанов каби умидли ёшлардан ташкил топган терма жамоамиз 23 ёшгача бўлган спортчилар иштирокидаги беллашувларда қатнашишди ва юқори натижалар кўрсатган ҳолда умумжамоа ҳисобида Япония ҳамда Гонконг термаларидан кейин учинчи ўринни эгаллашди.

Осиё чемпионати доирасида Осиё триатлон конфедерациясининг Конгресси ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Ш.Мўминжонов Осиё триатлон конфедерацияси тафтиш комиссияси ҳамда ишчи ҳайъати таркибига сайланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Эзгуликнинг умри боқий*

***Ҳали-ҳали эсимда, қўшнимиз Ўринбой амаки болаларни кўрмай туролмасди. Ўз ўғли, Абдувалига нимани раво кўрса, қўшни болаларга ҳам шуни лозим топарди. Айни пайтда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берарди. Биз унча аҳамият бермаганларимизни бугун ўйлаб кўрсак, амаки бу ишларни мана шу кунларни, узоқни ўйлаб иш тутганига амин бўламиз.***

## ЎРИНБОЙ АМАКИНИНГ ЎРИКЛАРИ

Амакининг қиёфаси ҳамон кўз олдимда турибди. Бўйдор, қорачадан келган юзига мошкичирини эслатадиган қора қоши, шоп мўйлови ярашиб тушган. Эшитишимча, умри деҳқончиликда ўтган. Шунинг учунми, шаҳардаги болалар сиҳатгоҳида боғбончилик қиларди.

Ўғли Абдувалини ёшликдан кураш тушишга ўргатарди. Айрим қўшнилар: «Бу нима қилганингиз?» дейишса, «Қўяверинглар, боланинг ёшликдан эти пишгани яхши. Бир марта зарба еб кўрган, зарба беришни ҳам билади. Бир марта йиқилиб, йиқитиши ҳам мумкинлигини ҳар бир бола билиши, юрагидан ўтказиши керак. Нима, бир четда мушук боласига ўхшаб томошабин бўлиб қолишини хоҳлайсизми, болангизни?» дерди ичи ачиб. Бирон бола йиқилиб йиғласа, қайта-қайта кураш туширтирарди. Айрим қўшнилар: «Болани қийнаб нима қиласиз?» дейишса, у кишининг жаҳли чиқиб: «Сен жим бўл, бола бир марта бўлса ҳам йиқитиши керак. Бўлмаса ғурури синиб қолади боланинг», деб атрофида гир-гиттон бўларди. Шунинг учунми, билмайман, у киши уйида от ҳам боқарди. Шаҳарда, қолаверса, шундоққина қўшнилари уйида от боқилиши болалар учун мўъжиза эди. Айниқса, маҳалламиз четидаги анҳорда от чўмилтириш маросими байрамга айланиб кетарди. Негаки, амаки эринмай, ҳар бир болага от минишни ўргатарди. От билан дўстлашиш болаларнинг орзуси-ку.

Яна амаки кўчадаги ҳар бир болага разм соларди. Уларга гоҳ қаттиқ-қаттиқ гапириб, танбеҳ бериб, йўлга солса, айримларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатарди. «Ана, уддаляпти-ю, бир жойи камайиб қолгани йўғ-у, сен нега шалвирайсан?» дегувчи эди. Айниқса, салом бермайдиган, икки қўлини чўнтагига тиқиб юрадиган болаларни ёмон изза қиларди.

Ўринбой амакининг ҳаммадан ҳам эшиги тагида ўсган ўриги ширин эди. Амаки турмуш ўртоғи Башорат опоқи билан ўрик пишганда уйдан бир чодир олиб чиқишар эди-да, дарахтга бирон азамат болани ёки ўғли Абдувалини чиқариб, шохларни силкиттирар эди. Гоҳида амакининг ўзи ҳам узун таёғи билан ўрикларни уриб қоқарди. Ўрик қоқилаётган пайтда кўчанинг ҳамма болалари чодирни бир текисда тортиб туришган бўларди. Бу болалар учун қизиқ томоша эди. Чодир ўрикка тўлгач эса, амаки опоқи билан ҳар бир хонадонга ярим челакдан чиқартирар эди. Қўни-қўшнининг оғзи тегсин, дерди амаки. У ушбу одатни бошқаларга ҳам «юқтирди». Шундан бўлса керак, кўчамиздаги ҳеч бир бола мевали дарахтга тош отмасди. Бу яхши анъана бўлиб сақланиб қолди. Шу-шу ҳар бир қўшнининг эшиги тагида мевали дарахтлар, айниқса, ўрик дарахти экиш расм бўлди. Яна бу ўрик айнан Ўринбой амакининг ўриги данагидан, новдасидан кўпайган.

Демак, яхшиликнинг, эзгуликнинг умри узун бўлар экан.

**Зоир ТУРСУНОВ**

Матбуот Қўмитасига қарашли «Китоб Савдоси» ОТАЖ думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4409 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-507.

2 3 4 5 6